


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

пайшанба кунлари чиқади 1997 йил феврал—март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КҮМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ — Баҳоси эркин нарҳда



● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Абдулҳамид Сулаймон угли Чулпон таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш туғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Олмалиқ конметаллургия комбинати бош директори В. Сигединни «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотлаш туғрисида

ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди. Унда республика Бош прокурори Б. Мустафоевнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 1996 йилги фаолияти туғрисида ахбороти тингланди.

● Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида эпидемияга қарши кураш буйича республика фавқулодда комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлиста Бош вазирни

нг биринчи уринбосари И. Журабеков раислик қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов «Навоий конметаллургия комбинатининг алоҳида урнат курсатган бир гуруҳ ишчи ва хизматчиларини мукофотлаш туғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Тошкентда Марказий Осиё давлатлари мудофаа вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ана шу учрашувда қатнашган Россия Федерацияси мудофаа вазири Игор Радионовни қабул қилди.

● Фарғона вилоят хотин-қизлар кумитаси пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ис

лоҳ Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Пленумда Бош вазир уринбосари, республика хотин-қизлар кумитаси раиси Д. Гуломова сузга чиқди.

● ЮНЕСКО ишлари Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Жаҳон иқтисодиети ва дипломатия университети ва Малайзиянинг халқаро ахборот воситаларини тадқиқ қилиш маркази ҳамкорликда ташкил этган семинар «Оммавий ахборот воситалари ва миллий тараққиёт» деб номланди.

ЎзА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



В. ТАРАН олган сурат

ТОҒ БОШИДА ДОКА РҮМОЛИ...

УШБУ СОНДА:



4-БЕТ:

САДОҚАТНИНГ БОРЛИГИ РОСТ
«АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ» ЭМИШ

5-БЕТ:

ШИШАДАГИ СОХТА НОМУС

6-БЕТ:

ОҚСОҚОЛ НАЗАРДАН ҚОЛДИ

РАКНИНГ ДАВОСИ БОР(МИ)?

БИРПАС ЧАРХИНГНИ ҚҮЙ, ДУНЁ...

МЕНИ ҲИЛАМАДИНГМИ, АЗИЗИМ...

«ҚАЕРДАСИЗ, ОНАЖОН?»

ТЕНГСИЗ КУРАШ

(ҳажвия)

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:



Республика хотин-қизларининг I конференцияси олдидан

ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАНДИ

20 феврал куни Тошкент шаҳар хотин-қизлар кумитасининг ҳисобот-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кумитасининг 1995-1997 йиллардаги фаолияти тугрисида Фарида Абдурахимова ҳисобот маърузаси қилди.

Анжуманда бозор иқтисодиётига утиш шароитида хотин-қизлар турмуш фаровонлигини яхшилаш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар қайд этилди. Бу борадаги айрим камчилик ва муаммоларга тўхтаб ўтилди. Жумладан, қизларни балоғатга етмай турмушга узатишнинг олдини олиш, оилани мустаҳкамлашда ЗАГС идоралари, маҳалла кумиталари ва бошқа тегишли идоралар ҳамкорликда иш олиб боришлари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирди ва Ўзбекистон хотин-қизларининг I конференциясига делегатлар сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг уринбосари Буритош Шодиева қатнашди ва сузга чиқди.

Худди шу куни Тошкент вилояти хотин-қизлар кумитасининг 1991-1996 йиллар якунлари ва Ўзбекистон хотин-қизларининг I Конференциясига делегатлар сайлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қизларни турмушга тайёрлаш, соғлом авлод тарбияси, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш каби вазифалар хотин-қизлар кумитаси фаолиятида устивор йўналишлар эканлиги таъкидланди. Шу куни вилоят тадбиркор аёллари томонидан ишлаб чиқарилаётган турли хунармандчилик ва саноат маҳсулотлари кургазмаси ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари, республика хотин-қизлар кумитасининг раиси Д. Гуломова иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Куз... Деҳқоннинг кузи энди очилай деб турган пахталарда. Қодиржон ака уйни ташлаб, бугун далага боғланган. Уша йили пахталар беармон очилиб берди. Октябрнинг қуёшли кунларидан бирида бригада режани улдалади...

— Бир кун фермадан кеч қайтгандим, — ҳикоя қилади Мақсуд ака. — Наридан бери учоққа қозон осиб ўт қиб турсам, чолим кириб келяпти. Узида йуқ хурсанд.

— Худо деган-экансан, онаси, мукофотга машина беришди.

Уша йили оиламиз учун кутли келди. Иккита соғин сигир, битта гунажин сотиб олдик, кейинги йили молларимиз бештага етди, ҳаммадан қозонимизга мой тушганини айтинг, нуруштада дастурхонимизга бир коса қаймоқ қуйилмаса ҳисобмас.

лап таъминлаймиз. Бунақа катта ишда қаттиққул бўлмасангиз интизом бузилади, кейин молларни қаровита эътибор пасасиди. Шунақа қилиб, бирдан ранжиб, бирдан қувониб туқсон бешинчи йили ҳақиқий фермерликка эришдим.

...Уша йилнинг авж саратони эди. Қарийб ун гектар майдондаги донни саранжомлаш учун бутун уй ичимиз билан ишга киришгандик. Тунгич Шавкатжон инженер эмасми, районга бориб гап топиб келди.

— Буви, сиззи Францияга жунатишармиш, — дейди севинчи ичига сигмай.

Аввалига уялдим. Мен бир олдий қишлоқ аёли бўлсам, тил билмасам, гап билмасам, Фран-

Тадбиркор аёллар

ЭЙФЕЛ МИНОРАСИДАГИ ОРЗУЛАР

...Оила соҳибасининг жиндек куйди-пишдилиги, жонсарақлиги бор. Булмаса, фермада тинчгина ишляпти, рузгордан шикоятчи йуқ, аммо фермерликка бўлган иштиқ унга ҳеч тинчлик бермапти. Ҳар гашининг бирида чолига фермерлик ҳақида «оғиз очди».

— Йуқ, энди далага чиқ, онаси, бу йил гектар олиб узимиз пахта экамиз, сен иш бошида турмасанг булмайди, — гапини кескин рад этди Қодиржон ака. Мақсуд ака ола торттишиб-тиришиб юриб машинани сотдирди. Уша йиллар олапинг едидан ҳеч қутарилмайди. Кимсан, «Мақсуд ака фермер» бўлиш осон кечмади опага.

— Уйласам, беш йил ичида қорамоллар сонини уттиз бошга етказибман. Ҳар йили гушт, суг топширинг режасини ортиги билан бажарамиз. Тумандаги хунар билим юртларидан тортиб, қишлоқлардаги мавсумий болалар боғчасини ҳам суг би-

цияда нима бор деб. Аммо у ерлик ишбилармонлар фермерларга иш ургатишармиш, деганларида рости узим ҳам қизиқиб қолдим. Ниҳоят, фарғоналиклардан йигирма киши Парижга оландик. Биринчи куни бизни Эйфел минорасида кутиб олишди. Уша дақиқаларда шундай жойларни куриш насили этганидан кузимга еш келганичи?! Ахир умр уй билан фермада уяпти. Айниқса, франциялик ишбилармонлар билан гаплашганда нималарни орзуламадим, дейсиз. Тезроқ қишлоғимга учиб борсаму, шуло менга куч-қувват бериб, хуерда курганларимнинг барисини ҳорий этсам...

Франциядан қайтиб келиб ишни моллар зотини яхшилашдан бошладим. Бозордан олиб келинган турли зотдаги молларнинг ҳаммасини сотиб, «Кунгир» зотли швед молларини 50тага купайтирдим.

Тадбиркор, ниятлари холис

Ахборот

АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК

Қапшақларё вилоятининг Қарши шаҳрида «Аёл ва саломатлик» мавзуда республика семинари бўлиб ўтди. Семинардан кузда тутилган мақсад аёлларнинг оила ва жамиятимизда тутган урни, бугунги кун ва эртаси ҳақида аниқ режаларга эга бўлишди.

Маълумки, эрта турмушга чиқиб оқибатида аёлларимиз уртасида ногиронлик ҳолатлари кўпайиб қайд этилмоқда. Ушбу масала бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, тиббий меҳнат эксперти комиссияси, аёллар бошқармаси вакиллари ва Қапшақларё вилояти ҳокими Озод Пармонов, ҳоким уринбосари, хотин-қизлар кумитасининг раиси Коммуна Исмоиловлар сузга чиқиб, қилинган ва қилинажак ишлар хусусида фикр юритдилар.

Семинарда Бош вазири уринбосари, республика хотин-қизлар кумитасининг раиси Дилбар Гуломова ҳамда Республика таълим маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров иштирок этишиб, вилоятдаги ишлар хусусида ижобий фикрлар билдиришди.

Ўз мухбиримиз

Мақсуд ака опа яқинда уша Эйфел минорасидаги орзуларига эришди. Парижлик ишбилармонлар Тошлоқ туманининг «Бустон» қишлоғидаги янги бинага 16 миллион сумлик замонавий дастоҳлар урнатиб кетишди. Ҳозир Мақсуд ака Эрқабоева бошиқ «Муътабар» номли суг ва суг маҳсулотларини қайта ишлаш заводи дастлабки маҳсулотларини бера бошлади.

Маъмура
АБДУРАҲИМОВА,
Фарғона

МУРОСАНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙУЛИ

Қарлоқ Тожикистон тупроғида турт йилдан бери давом этиб келатган қарама-қаршилиққа ниҳоят чек қуйиш мумкинлигига умид уйғонди. Кеча Москвада бўлиб ўтган узаро музокараларда яна бир бор шунга ишонч билдирилди. Феврал ойи урталарида бир неча журналист ва халқаро ташкилотлар вакиллари гаровга олган ака-ука Садировлар мана шу учрашувларда унчи тариф сифатида иштирок этишни, томонлар улар билан ҳисоблашини мулжаллашган эди. Бирок уларнинг режаси амалга ошмади. Ҳозир ҳукумат қўшинлари ака-ука Садировлар гурҳини Тожикистон худудига Жавоний қишлоғида қуршаб олган ва уларни йуқ қилиб ташлашга буйруқ берилган. Айни пайтда муҳолиф кучлар раҳбари С. Абдулла Нури ҳам бу жангари

ака-укалар хатти-ҳаракатини террорчилик сифатида қоралади.

Ҳарқалай, қуш жафо чеккан тожиқ халқи муросанинг машаққатли йулидан осойишта ҳаёт манзилга чиқишига умид уйғонди.

ТАНТАНАЛАРДАН ХОЛИ МАРОСИМ

Сешанба куни хитойликлар буюк ислоҳотчи ва раҳбар Дэн Сяопинни сунги йулга кузатишди. Унинг дафн маросими олдинги «доҳий»ларникидан кура баландпарвоз тантаналардан холи, хотиржам ва тинч ўтди. Маросимда марҳумнинг оила аъзолари ва уннинг кишилик вакиллари иштирок этди. Тириклигида ортиқча баландпарвозлик ва шахсга сизиниш касаллигини ёқтирмаган Дэн Сяопинга мавзолей қуриш ёки ёдгорлик урнатиш ҳам мулжалланмаган.

Дафн маросими биринчи марта давлат телевидениеси орқали тугридан-тугри намоиш қилинди. Митингга мамлакат президенти Дзян Дзямин тантанали нуқирод қилди. Сиёсий шарҳловчилар бу нуқирод Хитой уз ташлаган йулидан ҳеч қачон тоймаслигига қасамд сифатида баҳоладилар.



«ХАНБО ИШИ»

Жанубий Кореяда яқиндагина собиқ президентлар устидан ўтказилган суд жараёни апрофидаги шов-шувлар тиниб улгурмай, навбатдаги жанжал бошланиб кетди. «Ханбо иши» деб ном олган бу кунгилсиз воқеа шу йил бошида инқирозга юз тутган «Ханбо» корпорациясидаги қинғирликлар билан боғлиқ. Маълум бўлишича, бу компания уз фаолиятини тухтатиш арафасида 6 миллиард доллар кредит олган ва шу кунларда ана шу кредит апрофида катта порахурлик юз бергани аниқланмоқда. Товламачилик ва порахурликда айбдор деб ҳисобланаётган мамлакат ички иш-

ри вазири лавозимидан четлатилди. Президентнинг ёрдамчиси ва угли ҳам бу мазорга аралашгани айтилган.

Жанубий Корея президенти порахурлик миқёсларини жиловлаш мақсадида бир қатор тадбирлар қўлашга киришди.

ЯНА ЖУРНАЛИСТНИ ЎГИРАЛДИ

Сешанба куни Чеченистон пойтахтида италиялик фотожурналист Маври Галагонни номаълум кишилар томонидан ўғирлаб кетилган. Бу ҳодиса Грознийдаги Шайх Мансур майдонида ёдгорлик очилиши муносабати билан уюштирилган митинг чоғида юз берган. Тахминларга қараганда, бу зурвонлик тағида ҳам ҳибсга олинган журналист баҳонасида катта пул ишлаш мақсади ётибди.

Чеченистон ички ишлари вазири раҳбарияти чет эллик журналистларни эҳтиёткорликка қақиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида қуриқлаб юришга имконият йуқлигини таъкидлади.

ҚАЛТИС ВАЗИЯТ

Абхазиядаги Россиянинг тинчликни сақлашга жалб этилган қуролли кучлари жанговар ҳолатга келтирилган. Хабарларда айтилишича, бундай ҳолатга россиялик ҳарбийларга қарши кейинги кунларда амалга оширилган бир неча қупорувчилик ҳаракатлари сабаб бўлган.

Ачимчир шаҳрида жойланган Россия ҳарбий-денгиз қуролли кучлари қисмларининг Москвадан берилган буйруққа асосан зудлик билан қучирилатгани Абхазия республикаси раҳбариятини ташвишга солди. Улар бу қарордан беҳабар эканликларини айтишиб, Москвадан бунинг сабабини изоҳлаб беришни талаб этишмоқда. Айрим тахминларга қараганда, Грузия Ачимчир ва Галл туманларида десант қўшинларини ташлашни мулжаллаган қуринди. Ҳозирча, Абхазиядаги вазият қалтислигича қолмоқда.

(Давоми, боши ўтган сонларда)

САМОВИЙ ДИНЛАР

Аён булдики, бутун борлиқнинг, Еру Осмоннинг, аждоқларимиз айтганидек, 18 минг оламнинг Парвардигори томонидан турли замонларда эндирилган динлар самовий динлар, деб юригилади. Тангри Таоло ҳамини Узини бандаларига пайгамбарлар ва Илоҳий Саҳифалару Китоблар орқали таништиришни маъқул курадики, бу албатта беҳикмат эмас. Нега бу юмушни Ҳақ Таоло бандаларининг бевосита узига юклаб қўя қолмайди, деган савол турғилади ҳақиқи равишда. Ахир, бандаларда атоғий Худо булган қудратли ақл-идрок борку! Турғи, ақл-идрок Аллоҳ томонидан бандаларга берилган бебаҳо неъмат. Унинг воҳитасида инсон жуда қўшлаб ҳаётгий-амалий ва назарий муаммоларни ҳал эта олади. Бунда одамзот гоҳо буюқдан-буюқ зафарларни қучса, гоҳида унглаб бўлмас хатоликларга йул қуяди: Ҳақ ва Ҳақиқатни ифшо ҳамда кашф этишга даъват этилган ақл-идрок тор синфий табақавий, гурӯҳий, тоифавий манфаатларни кузлаб, Шайтонга лаъин ва одам қифасидаги шайтонлар ногорасига уйнаб, бор куч-қудратини оқни қора қилиб қурсатишга сарфлайди. Инсоният тамаддуни-цивилизация бутун тарих ва ҳозирги кунда ижтимоий ва шахсий

ҳаётнинг жамики соҳаларида қўлга киритган оламшумул юртқулар ҳамда келтириб чиқарган фожиа-уприлишлари ана шундан далолат беради. Жамият ва халқ манфаатларига наф келтирадиган ижобий ютуқ ва зафарларни қўлга киритиш учун одам боласининг даставало нияти пок, бағри кенг, билим савияси юксак, фикр-мулоҳазалари теран булиши лозим. Ана шу тахлитда ҳаёт майло-нида жавлон урган одам тева-рак-атрофга ақл кузини югуртиб қарашни, ҳар бир нарсани си-нчковлик билан урганиши, олам ва ундаги нарса-ҳодисаларда кузатиладиган хилма-хил қонуниятну низоомларни, уларнинг узаро тақозоланганлигини, бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини чандон мулоҳазадан утказиб билиши ва шунга асосланиб амалий фаолият дастурини ишлаб чиқиб, уни босқичма-босқич ҳаётга талдиқ этиш тадорикини куриши керак. Ушандагина инсон уз теграсидаги беадаб ҳикматлар қошида Ҳазрат Навоий айтганларидек, уз-уздан ҳайрат бармоғини тишлаб қолади киши.

Зероки, бундай фозил ва қомил инсон ўзи курган ва кузатган нарса ҳодисаларнинг жамулжамо ҳеч қачон уз-уздан пайдо бўлиб, уз-уздан ҳаракат қилмаслигини, улар қандайдир темир қонун-низоом асосида юз беришсини дил-дилидан

сезади. Пировард натижада у оламу одамнинг Яратувчиси борлигини, энг кичик заррадан энг улқандан-улқан фалакларгача ҳам Мавлоий Зулжалолнинг хоҳиш-иродаси билан бизга аксарияти номаълум илоҳий қонуниятлар негизда ҳаракатланаши, пайдо бўлиб, йўқолишини эътироф этишга мажбур бўлади.

Нега дейсизми? Замонавий телескопларда кузатганда ҳаж-

ўта билимдон ҳисоблаймиз, нотугал билимларимизга орғиқча бино қўямиз, кериламиз. Олам, одам ва жамият ҳақида жамғарилган билимларга ҳалдан зиёд бино қўйиш нафақат айрим шаҳслар ҳамда турли тоифаларгагина эмас, айна маҳалда турфа жамиятларга, бутун бошли инсониятга ҳам даҳидор булиши мумкин.

Қисқаси, қадимги ҳиндларнинг, биз олам, одам ва жамият ҳақида жуда-жуда оз нарса билишимизни учин ниҳоятда куп нарса билишимиз кераклигини камдан кам

одам билади, деган теран ҳикмати абадул абад долзарб жараңглаб тураверади. Бу ҳикматта кишиликнинг айна хусусдаги билимлари ҳамини ногутал, нотулик бўлиб қолишини қўшимча қилиш мумкин, холос. Бу урида гап фақат кузимизга куринадиган, пайдо бўлиб, барҳам топадиган, аввал айтилганлик, шаҳодат ёки носут оллари маңсуб дуневий-зоҳирий билимлар, яъни кузатиш, тажриба утказиш, ўқиш-урғаниш йули билан қўлга киритиладиган билимлар ҳақида кетмоқда. Кузимизга курирмайдиган ва мангу завол топмайдиган нарсалар, яъни лоҳот еки гайб олами ҳақида эса бандаси қанчалик уринмасин ҳеч нарса билмайди, билломайди, магарам бу хуусда бирор хос кишига, дейлик, пайгамбарга Ўзи билдирмаса. Яна қайтарамиз: инсон боласи

нари борганда уз ақл-идроки билан Парвардигорни гирашира таниши мумкин, аммо банданинг бу уткинчи дунеданги турмуш тарзини белгилайдиган илоҳий қонун қондаларни, жаннат, дузаҳ, машҳаргоҳдаги ҳисоб-китоб ҳақидаги илоҳий хабарларни, илоҳий амру фармонлари илоҳий тақиқлар хуусидаги билимларни қанчалик жидду ҳаҳд қилмасин, узича билиб ололмайди.

Устига устак, одамзот бу дунёдаги бирор нарсани, масала, мол-дунё, мансаб-амал кабиларни қаттиқ севиб қолса, уларга ҳирс қўйса, улар билан андармон булса, Пайгамбар Ҳазратимиз марҳамат қилганларидек, бу ҳол «киши кузини қур, қулогини қар қилиб қўяди», ақлини эса ҳазойи нафсининг итоаткор хизматкорига айлантиради.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳаллоқул олам уз яратиги — инсоннинг банди ожизлигини, ақл-идрокининг чеқланганлигини, шу боис талай ҳолларда шайтоннинг тузоғига ирилиб, нафси аммога ногорасига уйнаб, залолат қучасига кириб қалғиш эҳтимоли борлигини аниқ билгани туфайли бандаларига Уз аҳкомларини, амру фармонларини хос кишилар пайгамбарлар ҳамда уларга назим қилган Илоҳий Саҳифалару Китоблар орқали етказишни иршод қилган.

(Давоми бор)

Миён Содиқ РАББОНИЙ

ИЙМОН ҲАҚИҚАТИ

ми 300 000 сруғлик йилига яқин булган ҳамда сизу биз билган ва тахминан 150 миллиард юлдузлардан таркиб тошган Фалакдан ташқари, яна миленлаб фалакларни уз ичига қамраб оладиган Коинот бепоён тубсиз ва беҳудуд, унда узлуксиз юз бериб турадиган ранг-баранг жараёнларнинг адоғи йўқ, нарса-ҳодисаларнинг пировард ададини Қолир Худодан узга ҳеч зот билмайди, билломайди.

Ҳар қандай алломаю фозил қимсаннинг, ҳар бир замоннинг дуневий-зоҳирий билимлари яккам-дуккам, узўқ-юлўқ, нотугал, ҳамини билганидан билмагани куп, билгани томчи булса, билмагани денгиз. Ҳар биримизнинг билимимиз қўшинча тор бир соҳага маңсуб. Ақалди касби-мадада беҳабармиз. Шунга қарамай, ҳар биримиз узимизни

ҳитдинов ҳамда Жураҳон Хоназаровга сим қоқиб, уларнинг иккалаларига эртага соат унда Рашидов ҳузурига етиб келиши лозимлиги тайинлайди. Муҳитдинов вақтда Муҳитдинов Марказий Қумитага етиб келади ҳамда Рашидов билан суҳбатлашган ҳолда Жураҳон ақани қута бошлайдилар. Соат ун ҳам булдики, у кишидан ҳамон дарақ йўқ. Шунда биринчи қотиб ваъминлик билан гап бошлайди: — Жуда қизиқ биз булдику, Нуриддин Акрамович, биз Хоназаровни соат унга тақриф етсагу у кишидан ҳамон дарақ бўлмаса, буни қандай тушиниш керак?!

Муҳитдинов булса: — Шароф Рашидович, хафа бўлмайсиз. Хоназаровнинг бир касали бор, у киши футбол шайдоси, уз ҳаётини футболсиз тасавур қилолмайди. Узингизга маълум, кеча «Пахтакор» Москвада уйнаган, Жураҳон уша ерда булган. Кечаси самолета утириб Тошкентга учган. Ҳали замон бу ерга етиб келади, — дейди.

— Хоназаровнинг ашаддий футбол ишқибози эканлигини билмас эканман, — дейди Рашидов, — бундай фидойи кишиларни қадрлашимиз керак. Шу дақиқаларда эшик очилиб хонага шоша-пиша Жураҳон ақани кириб келади. Рашидов уридан туриб у кишини кучоқлаб упадилар ва... тез орала уч киши уртасида «Пахтакор»нинг Москвадаги галабаси ҳақида суҳбат бошланиб кетади.

Тахририятдан: Азия муштарийлар! Узбекистон футболнинг фидойиси Жура ота Хоназаровнинг сермазмун фаолиятига назар ташлар эканмиз, бу аjoyиб инсон футбол-

ландим. Шу кунларда битта кераклик ҳужжатга имзо чекириш йулларини қидираялман, агар раҳбарлар қўл қўйиб беришса янги иш жойимда ҳам битта қиройли стадион курилишини бошлаб юборардик. Ҳақиқатан ҳам гайрат-шижоатига қойил қоладиган бу аjoyиб инсоннинг янги ташаббусини ич-ичимдан маъқулласам ҳам гап қотаман: — Жураҳон ақа, «Ўзбекистон беш йиллиги» жамоа ҳужалигида замонавий стадион куриб битказганингиздан сунг баъзи нопок қимсалар устингиздан тухмат хати езиб, Сизни турли юқори ташкилотларга қақиртириб «илик» суълар билан қарши олипти, ишингиз ҳатто собик КПСС МК партия назорати бошлиги Пеллсегача бориб тақалди. Шунча гап-суълардан сунг яна стадион қурмоқчимизми?

— Уқажон, баъзи кишилар савоб учун кучат утқазинади, баъзилар эса кўприк куришади. Мен эса касерга борсам, уша ерда ишни стадион куришдан бошлайман. Йигит-қизлар, барча меҳнат ақли жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишса, уларнинг барчаси қабулвув булади, касаллик камаяди, натижада иш унуми ҳам ошади. Шу сабабли ҳам Гулистон, Янгтер, Пахтакор ва Ержарда янги стадионлар фаолият қурсата бошлади. Биздан ҳаракатга қанқоқ ешларимизга купроқ спорт масканлари қолсин, дейманда.

Орадан бир йил ҳам утмасдан Халқободаги янги стадион очилишига бағишланган тантаналарда иштирок этиш бахтига сазовор бўлдик.

Бир кун И Узбекистон Компартияси Марказий Қумитасининг биринчи қотиби Шароф Рашидовнинг ердამчиси Нуриддин Му-

ФУТБОЛИМИЗ ФИДОЙИСИ

(Жураҳон ота Хоназаров ҳаёти ва фаолиятдан айрим лавҳалар)

Халқободнинг «Соҳибкор» футбол жамоаси собиқ советлар мамлақати чемпионатининг иккинчи лигасига йўланма олғач қўллаб кучли жамоалар билан тенг кураш олиб бора оладиган командага айланди. У турнир жадвали буйлаб тобора юқори погоналарга кутарила бошлади.

Бир сафар шу ерда утқазилиши лозим булган учрашувга назоратчи ҳакам бўлиб келдим.

Футболсеварлар билан тўлиб тошган стадиондаги қизиқарли учрашув киритилган голларга ниҳоятда мул бўлиб, 6:4 ҳисобида майдон эгалари фойдасига яқуланди.

Муҳлислар, ўйинчилар, ҳакамлар спорт иншоотини тарқ этган булсаларда бизнинг Жураҳон ақа билан суҳбатимиз қизгин давом етарди. Шу вақт собиқ пахтакорчиларвозабон «Соҳибкор» жамоаси бошлиги Николай Любарцев енимизга келиб бош директорга мурожаат қилди:

— Жура Хоназарович, йигитларимиз галаба қозоништи, энди келишиб олганимиздек улар икки кун дам олишса, шунга руҳсат берсангиз.

Суҳбатдошимизни жаҳди чиқиб турган эди: — Қанақа дам? Уз дарвозасидан бир уйинда турт туп узгақииб қозонилган галаба бизга керак эмас. Ўйинчиларни йигинг, узим гаплашаман...

Тошкентнинг қоқ марказида қад қутарган Хукумат уйи енида бир кун Жураҳон ақа билан учрашиб қолдик. Одатгадилек самимий салом аликдан сунг футболимиз фидойиси гап бошлаб қолдилар:

— Аҳборжон уқа, кунга кеча мен Тошкент вилояти Янгиўул туманидаги «Халқобод» жамоа ҳужалигига бош директор этиб тайин-



лимиз равнақига нечоғли ҳисса қўшганиги ва кушиб келатганининг гувоҳи бўламиз. Жураҳон ота қарийб 60 йилдан бунен Узбекистон футбол федерациясининг аъзоси, федерация ижрокумининг фахрий аъзоси.

Бутун Жураҳон ота узларининг табарруқ 80 баҳорларини туй-тантаналар билан нишонламақдлар. Саксон еш... Бу айтишга осон, холос. Қувончлис, отахон ҳали кексалликка буйин етганлари йўқ. Салобатли овоз, зукко мушоҳала, қунончаклик, гайрат-шижоат ҳамон уша-уша! Қуз тегмасин.

Биз барча спортсевар, футболсевар муштарийларимиз номидан отахонни эъзозли 80 ешлари билан чин дилдан муборакбод етамиз. У кишига сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

Аҳбор ИМОМХУЖАЕВ

Эрталаб ишга келсам, қулимга бир мактуб тутқазишди. Турар жойи, исми-шарифи буткул нотаниш. Хатни очиб ўқий боладим. «Сиз мени тағинмайсиз, опа, — деб бошланарди бу мактуб. — Аммо мен сизни анчадан бери биламан. Журналлардан мақолаларингизни топиб ўқийман. Айнақса, оила, аёл садоқати ҳақида қўп ёзасиз. Илгарилари сизнинг фикрингизга жону дилдан қўшилдим. Эндичи? Мени кечиринг-у, агар дунёда садоқат деган туйғу бор бўлганда эди, янгам акамни ҳеч қачон ташлаб кетмасди! Бир пайтлар акамга қўшнимизнинг қизини олиб бермоқчи бўлганимизда «Уша қизга уйланган кунингиз мен бу ерда дунёда йўқман!» деб хат ёлган янгам... бундан бир ой бурун уч яшар қизчасини олиб, шаҳардан келган олифта суракташ билан кетиб қолди! Ҳеч ақлим етмади. Балки акам кейинги пайда тез-тез касалга чаллиниб, етиб қолгани учун шундай қилгандир. Ҳозир ҳам бир дардига уни дард қўшилиб, яна етиб қолди. Куни — кеча бир уртоғи келиб, «дунёда қиз зоти қуриб кетмаган, шунига шунчами...» деганди, у билан еқалаштишга борди. Янгамни шунчалик яхши қурардики... Мен энди сизнинг фикрингизга қўшилмайман опа. Дунёда садоқатнинг борлиги эгон... Елгон!» (Сизга нотаниш бир қиз).

Уйда — ошхона юмушга ури-



найману, ҳаслимда ҳамон уша хат. Нотаниш бир қизнинг эзтироблари буткул кунглимга кучган, негадир юрагим сиқиларди. Узимни бироз чалғитиш учун болалар хонасига ўтдим. Углим дарс қилар, қизим эса уй албомини варақлаб ўтирарди. Ёнига чўкдим. Шунда... Дилимга азиз, ардоқли бир сурак қузимга ўтлек босилди. Холам! Шахрибону холам... Агар бирор нотаниш кишининг мана бу сувратга кузи тушса, «Шу аёлнинг ҳам бирор армони бормикан-а, бунчалар

САДОҚАТНИНГ БОРЛИГИ РОСТ

еқимтой!» деб уйлаши аниқ. Лекин, бу аёлнинг сувратидан ҳам қўра сийрати гузалроқ эканини суюмли жиғи — мен биламан, холос. Яна шуни биламанки, шу чехрадаги ёниқ табассум ортида улкан бир дард яширин.

Холам қишлоқнинг энг гузал қизларидан бири эди. «Сочи бир қиз, узи бир қиз!» дея ҳавасланаркан янгалари унинг сочларини қирқоқил қилиб ураётганлариди. «Менга тегса, бошидан оёғигача зар сочардим», — деркан узини боёвбачча санаган йигитлар орзуланиб. «Кулини совуқ сувга урдирмасдим» дея ух тортаркан яна бирлари. Холамни келин қилмоқ ниятида юрган аёллар туй-маърақаларда бир-бирлари билан тортишиб ҳам қолишаркан. Холам ҳам узича мағрур экан. Акаларидан хат келтирган қизалоқларнинг хатларини олмас, хафа бўлишмасин, деб қўлларига попукқанд тутқазиб жунатиб юбораркан. Совчиларни-ку, қуяверинг («Кун бўйи келган совчи-

ларга чой таппийвериб, оёғимдан оёқ қолмасди» дердилар онам уша вақтларни эслайтиб). Хуллас, холам барча йигитларни доғда қолдириб, камбағалгина, анчайин зўкко — почтамга турмушга чиқиб кетибдилар.

Онамнинг айтишича, холам ва почтам бир-бирларини жуда қаттиқ ҳурмат қиларкан. Гарчи, баъзи бировларга ухшаб «сенсиз туролмайман» дейишмаган бўлсаларда,

чам: «Туйга чиқмайсанми, Шахри?» дедилар. «Кунглимга сиймайди, отаси. Болалар чиқиб хизматда бўлишар» деди холам.

— Сеннинг уринг бошқа-да. Буги, эл-юртчилик. Мен ҳадемай тузалиб кетаман. Сураганларга шундай дегин...

— Илое, Оллоҳ шифо берсин, отаси...

Шу куни холам почтамнинг кунгли учунгина туйга бирор чиқиб келди. Ордан икки ой утиб... Бирор-

бир-бирларини ҳақиқий муҳаббат билан қадрлашган экан. Турмушлари ширин бўлган. Бирин-кетин уч фарзанднинг туғилиши уларнинг хонадонига янада тотувлик олиб кирибди. «Уқиб катта бўлган ўлиғизгина утил эдим, сен менга икки азамат уғлини тортиқ элдинг, онаси» дея ич-ичидан қувонаркан почтам. «Қанийди, қизим ҳам иккита бўлса, бир-бирига суяниб усиларди» дея орзуланаркан холам. Яратганинг узи меҳрибон. Шу орада холам яна юкли бўлибди.

Аммо, шундан кейин... Мен холамнинг қизи билан бирга уйнаб-устан, буйимиз чузулиб, мактаб ёнига етиб қолгандик. Тусатдан, почтам қаттиқ касал бўлиб, етиб қолди. Касалнинг сабабини ҳеч бир духтир аниқ айтиб беролмади. Холамга дунё қоронғу зиндон бўлди. Почтам тез-тез йўталар, йўтали тутагунча ҳолдан кетиб, ранглари оқариб кетарди. Холам эса унинг бошида туну-туну тўлабдек ўтирарларди. «Гумоининга зиён қилади, етиб ухла Шахри, менга ҳеч нарса қилгани йўқ» дерди почтам. «Сиз бу аҳволда, қузимга уйку инармиди, отаси» дерди холам дув-дув қуз еши тукиб.

Эсимда, уша қушларнинг бириди қишлоғимизда туй бўлди. Поч-

ли ҳовлини бутун юмушлари билан, уч уғил-қизни бутун ташвишлари билан ҳали утгизнинг нари-берисиде бўлган аелига ташлаб, почтам дунёдан қуз юмди. Почтамнинг қирқи утгач, туртинчи фарзанд туғилди. Жажжигина қизалоқ...

Хотиралар... Бир куни холамнинг катта қизи билан боққа чиқиб, дарахт похиға арғимчўқ осдик. Сунг кичик қизалоғини қийқиртириб унда яйратдик. Мен завқим келиб «Хола, қизингизга бир қаранг» деб қийқирдим. Аммо холам бизни эшитмас, шундоққина ёнигамизда садарайҳон тагини юмшатиб ўтирардилар. Бир пайт унинг жуда секин товушда ниманидир хиргойи қилаётганини сезиб қолдим. Қизқиб, қулоқ солдим:

— Қора ласдан қўйлагим, қовларга тўди юрагим, Сарик ласдан қўйлагим, саргайди рангу-рўйларим... Яқинига бориб, «Хола» деб чақирдим. Холам ҳучиб тушиб, менга ўтирилди. Қузалари жижка еш эди...

Йиллар — елдимир. Уша турт утил-қизинг бариси уйи-жойли, бола-чақали бўлди. Улар қачон, қандай қилиб улгайишди? Уларнинг ҳар бирига ким, қачон сарпсуруқ йиғди, туй қилиб, уй қуриб

Нафис мажлислар

берди? Буларни эл сезмади. Очиғи, холам сездирмади. Унинг нотаниш жуссасига туганмас кучқудрат яширин эди. Бу куч-қудрат марҳум эрига садоқат туйғуси ила қоршиқ эди! Ҳайрон қоламан. Баъзи бир аёллар бошида пушти-паноҳи, уй-жойи бўлатуриб, фарзандлари тарбиясини узига малол олади. Нега? Холам эса... Шунини аниқ биламанки, у утгиз йил рузгоридан бировга шикоят қилмади, қийналса-да, қуз ешини бировга қўрсатмади!

«Ҳали ёшсан, турмушга чиқ» дейишди унга. «Раҳматликкина болаларини менга ишониб кетган, бировларга хор қилдирмайман болаларимни» деркан холам шартта. Болалари олдида уз оталари қандай ажойиб киши эканини айтгавериб чармасди. Гуге, марҳум почтам утгиз йил холамдан айро бўлса-да, унинг унгио тушида, хонадониде, уз болалари орасида яшагандек эди.

Кунлардан бир куни... Телефон зўқ жиринглади. Шошиб бориб тушагини кутардим. Укам. Овозида титроқ бор.

— Опа, холамдан ажраб қолдик...

Кулимдан гушак тушиб кетди. Ҳа, юрағидеги садоқат отлик туйғуни умри охиригача соф асраб, почтамнинг ёнига ёруғ юз билан кетди холам...

Мақтубга жавоб: «Нотаниш сизнинг! Биргина аёлнинг хиенати — ҳамма аёлларнинг хиенати дегани эмас. Ҳар бир инсон ўз катталари учун қачондир виждони олдида жавоб бергусидир. Билсангиз, атрофимизда қуз очиб қурганича бир умр жоний нисор этиб яшавганлар бор. Шу қўш дунёни суяб тургунча ягона куч — Садоқатдир. Бу туйғу ҳар бир аёлни қалбиде боққидир. Фақат, шу азиз туйғуга гард теккизмасдан асрай билиш лозим. Садоқатнинг борлиги рост... Рост! Ҳайр, омон бўлинг...»

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Луқма

«АББОДОМЪТЪ»
«АББОДОМЪТЪ» ЭДОМЪТЪ...

Эҳ, сизлар-а, Алпоминшу Рустамлари билан дунёга машхур бўлган элнинг эркаклари! «Биларга нима қипти?» — деб ҳайрон бўлишга шошилманг. Баъзан қовун тушириб қуйганингизни сезмайсиз ҳам. Оддийгина аҳлоқ, қолаверса, мусулмончилик одоби-га турги келмайдинган ишларни қилаётганингизни билмайсизлар. Турги, бировни урдинг, сўқдинг, ҳақорат қилдинг деяётганимиз йўқ, аммо... Аммо эътирозимиз бутунлай бошқа нарсага. Сизлар бекаларда, йулларда ёки бозорда айрим жинсдошларингизнинг хатти-ҳаракати-га ҳеч назар солганмисиз?

Сумкасини деярли судраб сиздан сал олдинроқда бозор қилиб юрган эркак расталарнинг қоқ ўртасида тухтайди-да, атрофдагиларга парво ҳам

қилмасдан бурнини шарақлатиб қоқади. Кейин, қулини ёшимининг ёнига, ёки сумкасининг бир четига артиб, яна пештахтадаги олмаю анорларни ушлаб қуриб нархини сурай бошлайди... Сиз эса ижирганиб нариги пештахтага утиб кетасиз. Табиийки, унинг қули теккан меваларни олишга кунглингиз тортмайди.

Ёки бекада автобус кутаясиз. Шу ерда култигига ихчамгина чарм портфел қистириб олган зиёли ҳам турибди, икки кузи газетлада. Бир-икки йўталиб қуйиб, атрофдагиларнинг кунглини хижил қилиб, турган жойига балгам тупуради. Ён-веридегилар билан иши ҳам йўқ.

Ахир, жамоатчилик

жойларининг ҳам узига хос одоб-ахлоқлари бор. Уй одоби уй билан, куча одоби куча биланда, азизлар. Узингизниқурҳурмат қилмас экансиз, ҳеч бўлмаса шу атрофдаги одамларни ҳурмат қилинглр, барака топтурлар. Муйсафид боболаримиз яшаган катта хонадон, маҳалларда бундай нарсаларга кўзимиз тушмай усангмиз. Энд бу нарсаларни кучада қуриш қишига эриш туюларканда.

Ҳа деса, аёлларда одоб йўқ, кучада оғзига қарамай шангиллаб гапирарди, қизлар автобусда сақич чайнашарди, pista қақишарди, овозининг борича қулишарди, деб танқид қилавермасдан, узингизнинг туриш-турмушингизга ҳам қаранглр-а...

Б. САЙИДАЛИЕВА

Акс садо

«Оила ва жамият»нинг 4-сониде чоп этилган «Янтоқ босган «агарот» мақоласини ўқиб чиқдим. Тугрисини айтганда, ҳамкасбим Баҳриддин Абду Саилнинг синчқовлиги менга еқди. Ҳақиқатан ҳам уша чол айтганидек, қишлоқда паҳарликлар орзу қиладиган катта-катта боғи була туриб шаҳардан сабзавот, тухум, гўшт ташийдиганлар учраб турарди. Мақолада айтилганидек, ерга энқайишни, ер билан муомала қилишни билмаймиз.

ОТАХОН ҲАҚ ГАПНИ АЙТИБДИ

Ешлгимда ён қўшнимиз қаергадир кучиб кетиб, урнига бошқалар кучиб келишди. Қўшнимизнинг каттагина боғи буларди, уйлари ҳам яхши қурилган эди-ю, лекин қаровсизлиги учун унча қузга ташланмасди. Янги қўшнилариимиз қўллари гул экан, сал утмаёқ халиги уйни таъмирлаб, дов-дарахт экишиб, кучамиздаги энг шинам уйлардан бирига айлантиришди. Эсимда, биз болалар баъзан уларниқига муралаганда эру хотининг бири лой қорса, иккинчисини гишт узатаётганлигини қурадик.

Эр-хотин қуш ўртаси деганлари шу булгандир-да. Аввалги қўшнилариимиз шунча ерлари була туриб ҳатто бир боғ лиез ёки қуқатни бозордан сотиб олишар-

лар эдилар. Угли мактабдан келибоқ ситирини боқишга олиб кетарди, қизи эса томорқасидан чиқмас, утоқ қилар, товукларини боқарди.

Баъзи гийбатчилар уша қўшнилариимизни зиқна, болаларини яйратмайди дейишарди. Ҳар қуни келиб меҳнат қилдиган уша болалар биз билан тенгқур ёки нари борса бир еш, икки ешми фарқ қилардилар. Биз булғак онамизсиз чой ичишга ҳам утирмасдик, ушанда Энди-энди тушунсам, болаларда меҳнатда, мустақилликка қуниқма уйларидеқ пайло булган эканде. Урта мактабни тугатиб, онамиздан йироқда ўқиб юрганимизда, қийналган чоғларимда мен бунинг англаб етдим...

Басира САЙИД АЛИ

МУҚАДДИМА

«Мен Н.З. (мактубда исм ва фамилиялар баъзи сабабларга кўра тўлиқ берилмапти. Бироқ унинг бирор жойига ўзгартириш киритмадик. У. С.) 1996 йил 20 октябрда Э.Й.га мен қизман, қизлик номусим бор, деб турмушга чиқдим. 21 октябрда ёлгон аниқланди. Мен ота-онамни шарманда қилмаслик учун овозга қилмасликни илтимос қилдим. Номаслаум мuddатгача шу ерда тураман, ҳамма айбимни бўйнимга оламан. Ҳақиқатдан ҳам мен борган хонадонга катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етди. Мен Э.Й.нинг йигитлик гурурини ҳақорат қилдим. Ашъвий далил сифатида глицирин ишишчада сохта қон ишлатдим (қизлигимга ишонтириш учун демоқчи У.Ф.) Э.Й. ота-онам хўрмати учун 5 кун туришга рухсат берди. Агар шу хонадонда бахтсиз ҳодисалар бўлса, ҳаммасизга мен айбдорман деб.

Н.З. имзо 1996 йил, 20 октябр соат тонги 5.00».

«Мен Э.Й. 1966 йил тугилганман. Самарқанд вилояти... туманида яшайман. Касбим уқитувчи.

1996 йил 20 октябрда Жиззах вилояти... туманида қишлоғида яшовчи 1971 йилда туғилган Н.З.га уйлانган эдим... (Мактуб жузъий қисқартириш билан босилаётди) у қиз менга домла оиласидан эканлиги, муслима ва номусли эканлигини Оллоҳ номи билан қаса мед қилган эди. Лекин у беномус ва ахлоқсиз экан. Мен тинч йул билан ажрашиш учун уларнинг уйига бордим. Лекин онаси билан қиз мени айбдор қилиб бемалол юришибди экан. Унинг отаси мени йигит эмас экансан, деб ҳақорат қилди. Акаси урмоқчи бўлди. Шундан кейин мен отасига бор гапни айтиб бердим. Ва қизнинг беномус эканлиги ҳақида ёлгон тилхатининг нухасини бердим. Шунда ҳам Н.З. мен қиз боламан деб тўхтаб қилиб турарди.

Ҳозир мен жуда ҳам қийин шароитдаман. Шунинг учун мен Н... дан менга етказган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қиламан. Акс ҳолда оғир оқибатли ҳодисалар юз берса, узимни жавобгар деб ҳисобламайман.

Э.Й. 1997 йил 26 январ. имзо»

О бу шармандалиқни қаранг! Юзсиз, иймонсиз... Бировга (айниқса айбдорга) бундай панд-насихат бериш қишда хар доим завқ ва шавқ уйғотди. Одам бировга насиҳат қилаётган узидаги камчилиги нуқсонларини пийшалайди. Бировнинг бахтсизлиги қаршисига узининг руҳидаги оғриқларини, емирилишларни малҳамалагандай булади (Мендан-да афғору но-тавоңлар ҳам бор-ку дегандай). Бироқ билмайдики, бу фожасаларга уша айбдор билан бирга томошабин—оломон ҳам бирдек дахлдордир. Ахир, улар (айбдор) уза сайёрага бориб бу «йул»нинг машинини олиб келмадилар-ку, бизнинг кўз унгимизда, орамизда шундай қўйга тушишди-ку!

ЙИГИТ ҲАҚИДА БАТАФСИЛРОҚ

Й. қийналиб усди. Тақдир мурғаклигидаёқ унга етимликни раво қурди. Укани едириб-ичирадиган, боштини силайдиган ака ароққа берилиб қамалиб кетди. Елғиз етимчани тоғаси (аммаснинг угли) қарамоғига олди. Уқитди, едириб-қийдириди. Й. мактабни тугатиб Тошкентга келди. «Камбағалнинг ишини худо унглайди» деганидек, катта олийтоҳлардан бирига талаба бўлди. Кечалари ишлаб, кундузи дарсга қатнаб ўқиниям тугатди. Шаҳарда анча пайт ишлаб ҳам юрди. Лекин унинг кўнглини бир уй кесарди. Қишлоғини, қишлоқдошларини соғинади. Уйланиб (еши ҳам уттизга кирди), бола-чақали бўлиш, одамларга ухшаб рўзгор тутиш иштиёқи

қалбини жуштиради. Ва у бунга эришадилар ҳам. Бироқ...

ЙИГИТ БИЛАН СУХБАТДАН

Очиги, эшикни қия очиб, мумкинми, дея муралаган, келишган, уст-боши узага ярашган бу йигитни мен олдинга «фирмач»лардан бири бўлса, реклама бергани келгандирда, деб уйлагандим. Мақсадни англагач...

Й. кузларини ерга қадайдилар, қизарадилар. Умуман, бундай ҳолатдаги одам билан гаплашиб, ундан бир нарсани сураш малол келади. Ярасини тирнагандай бўласан. Мен томоқ қираман. Нотабиий чиқади. У ҳам йўталганга ухшаш бир балолар қилади. Кузатиб турдим: у қўлидаги папқасани мақсадсиз йигирма марта очиб-епди. Мен ҳам столдаги қозғоларни бир неча маротаба жойини алмаштириб чиқдим. Мияда ҳар хил фикрлар. Шайтонийлари ҳам бор. Бир хаёл, шу гапларни кутариб, шу ерларга келиб юрибсанми, дейман. Қиз чикмасга нима, қуйвориб бошқасини ол. Шунгайм шунчами. Ахир ун-йигирма йил ишамасан, бир кунда... Э... пнезафрин эмасикин

ганимдан сўнг бор гапни айтди.

— Тушунмадим?..

— У касалхонада ҳамшира бўлиб ишлаган. Бир куни аллақандай иккита бола келиб мотоциклга босиб олиб қочиб кетганмиш.

— Сиз шунга ишонасизми? Эҳтимол, у ҳақиқатдан ҳам болаликда қудуққа тушиб кетиб шундай бўлиб қолгандир. Сизнинг вазоҳатингиздан қўриқиб ёлгон гапиргандир.

— Йук, У менга уша йигитларнинг исми-шарифи ва адресларини аниқ айтди. Агар ҳақиқатдан ҳам сиз айтгандай бўлса, ишшачага қон солиб одамни алдашдан не ҳожат.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин ялинди. Бу гапларни ҳеч кимга айтмаслигини, беш-ун кун шу ерда туриб, кейин уйига кетишини айтиб илтимос қилди.

— Тилхатни нима учун ёздириб олдингиз?

— Ажрашишда далилий аше сифатида. Ишшачаниям олиб қуйганман. Бундай одамга ишониб бўлмайди, эртага

ШИШАДАГИ СОХТА НОМУС



ишқилиб... Й. қуйи боштини кутариб менга юзландилар, қараб турганимни қуриб нигоҳларини деразага қадайдилар. Унинг султин юзи, гамгин кузлари миядаги фикрни ҳайдагандай бўлади. Қалба ачинаш ҳисси кезинади. Мен у қиз билан қандай танишганлигини сурайман. Й. тортиниб сузлайди: очиги, шаҳарда буйдок, беватан юравериш жонимга тегди. Қишлоққа қайтдим. Узим уққан мактабга ишга кириб, болаларга инглиз тилидан сабоқ бера бошладим. Дарс, иш бир еқдаю, мияда уйлансам, рўзгор фикр сан деган уйлар. Хуллас, буни янгам (тоғамнинг хотини) англадим, бир куни гап очди. Агар хоҳласам бир қиз топиб қуйганини, яхши қиз, оиласи ҳам яхши эканлигини айтиб қолди. Қиз янгамнинг синглизининг дўтонаси экан. Олдинга 25 сипгача эрга тегмай юрганини уйлаб шубҳалангандай бўлдим. Янгам билан синглизис қасам ичиб ишонтиргач, рози бўлдим. У билан уч марта учрашдик. Туй таралдуди бошланди. Ойликларимни йигдим, қарз олдим, тоғам қарашди. Хуллас, ҳам келиннинг, ҳам узимизнинг қишлоққа иккита туй қилдик. Туй тузагач, қизнинг янгаси келиб «бугун келин билан бирга бўлишингиз керак» деб роса тортиқлади. Мен унамадим.

— Нега?

— Чунки, маст эдим. Бунинг устига хотин энди шу ерда, ҳаётимдаги бу бахтли кунни уртоқларим билан бир увай, дўстларим, қариндошларим олдига юзим ерут бўлди, шунини нишонлайлик, деб уйлаган бўлсам керак.

— Кейин, у... қачон пайқаддингиз?

— Бу кунисига.

— Янгаси бормиди?

— Йук. Янгаси уша куниек кетиб қолган экан.

— ...

— Аввалига у тонди. Мени пайқаманганликда айблади, қон доғларини курсатиб ишонтирмоқчи бўлди. Глицерин ишшачасини (унинг ичида қон бор эди) топиб олганимдан сўнг ялинишга тушди. Олдинга, болалигимда, қудуққа тушиб кетганман. Шунинг таъсирида шундай булган бўлиши керак, деди. Қуйма-

тонишимам мумкин, деб уйладим. Ва тугри уйлаган эканман.

— Қайси маънода?

— 25 октябр куни онаси келди. Айтдим, ишониммади. Тилхатни курсатдим. Йиғлайди. Хотин киши билан бу турда гаплашиб бўлмасди. Отаси келсин, дедим. Онаси, айтаман, келади, қизим яна 15 кун яшаб турсин, деб илтимос қилди. Кундим, лекин келмади. Ҳеч ким келмагач, ноябрнинг охирида янгам билан жунатвордим.

— Бу ишдан янгангизнинг хабари булганми?

— Йук. Янгам бечора яхши аёл. Билмаганда, одам баъзан узининг боласини билмайди-ку. У киши азбаройи менга яхшилиқ қилмоқчи эди.

— Синглизис-чи?

— Уям беҳабар булган. Буни эшитиб касал бўлиб қопти.

— Жунатворганингиздан кейин ҳам отаси келмадиминг?

— Ун кун утгач, синглизис билан узи қайтиб келди. Яшайман, деб туриб олди. Лекин уйга киритмадим. Сўнг йиғлаб, кийим-кечагини олиб «мен энди улсам уйга қайтмайман» деб дарвозадан чиқиб кетди. Уша пайтда паспорт, ЗАГС қозғолариниям олиб кетган экан.

У кетгандан кейин кўнглимга гулу тушди. Бирон ерда узини бир бало қилиб қуйса тунуҳига қолмай, деб янгамни олиб келинни-кига жўнадим. Ҳовли-сига кирганимизданоқ отаси суқиб кетди. Акаси «Улдираман сени» дея ташланди. Онаси эса «йигит эмас экансан» дея ҳақоратлади.

Ёлгоннинг умри қисқа

ПАРАДОКС

Она қизининг айни пайтда номуссиз эканлигини ва эрга тегмасдан олдин қиз булганлигини тасдиқлайди. Бироқ қувини (собиқ) «эркак эмассан» деб камсити.

— Қиз ҳам уйдамикан?

— Ха, кейин биз бироз муросага келиб уйга кирдик. Мен булган гапни айтдим. Отаси туюқиб яна суқиниб кетди. Қизингизни қақиринг, дедим. У келмади. Кейин акаси бориб мажбурлаб олиб келди. «Ҳаммаси ёлгон, мен қизман» деди. Кейин тилхатни курсатдим. Отаси қизи билан хотинини суқиб, уриб кетди. Онаси бечора йиғлайди. «Билмабман, отаси билмабман» деб ер мушталайди. Тугрис, отасига ачиндим. Ахир, у бечорада нима айб. Елириб-кийдирганими, уқитганими? Шу одамнинг олдида худди тунуҳордай сездим узимни. Қани ер ерилсаю, бундай қизларни ер ютиб кетса.

МУЛОҲАЗА

Яқинда бир дустимга шу воқеаларни айтганимда, у қулиб қуйиб, қиз зоти қуриб кетиблими, шунинг гап деб гапирасан-а, агар у бола сўл уйлаганда бунақа қилиб юрмасди, «сра-зу» бошқасига уйланарди-да яшайверарди, деди.

Ха, фаросатсиз одам булганда шундай қилиб кетаверарди. Лекин фаросатли одамга қийин. У ҳамма нарсани узиға олади.

Бир ривоят бор: қадимда йул-тусарлар бир йуловчини тутиб олишиб, бор пулини чиқаришини сурашибди. Йуловчи қаршилик қилгач, тутиб роса дуп-послаб, чўнтагини ағдарилса бир чака чиқибди. Буни курган қароқчилар, «Эй аҳмоқ, шу бир чака учун шунча калтак едингми, бошидаёқ айтмайсанми», деб қулишибди. Бу бефаросатлар йуловчи чакасини эмас, гурурини, шаънини ҳимоя қилганини қаёқдан ҳам фаҳмлашинлар.

ЙИГИТНИНГ ГАПИ

Мен энди шунча нарсага қуйиб қолавераманми? Қанча қарзим бор. Уларни қачон узаман яна қачон уйланаман? Булар ҳам майли, шаънин-чи, уни ким ҳимоя қилади. Одатда бирор қизнинг номусига тегиб қўйсанг, суд қилиб қамал юборади. Мен-чи, мен алданмадимми, қизлардаги гурур туйтуси бизда йўқми е?

ЯКУН

Йигит қонуний ажрашмоқчи. Бунинг устига туйга кетган ҳаражатларнинг ярмини ундириб олмақчи. Лекин бизнинг қонуларда бундай воқеаларга аниқлик киритувчи бирор-бир банд йук. Яна ким билади... Эҳтимол, иш батамом бошқача тус олар. Биз бор гапни ёздик.

Хулосани узингиз чиқараверинг...

Урол СОДИҚ



Инсонни азал-азалдан бир парча ер можаро кутурқа солиб келади. Одамлар утиб кетаверадилар, ер эса ҳаммаша-гидек қолаверади... Эсингизми, Лев Толстойнинг бир ҳикояси кундан-кун тафсилот, воқеалардан сунг одам бола-сига бор-йўги икки қулоч ер қифоя қилади, деган хулоса билан якунланади. Бош-қача бўлиши мумкин ҳам эмас. Лекин шайтон алайҳил лаъна тоабд одамларни вавасога солиб келади. Ақл гониб келган чоғларда одамлар мурасога борадилар, шайтон зурилик қилганда эса... ҳаттоки қон ҳам тухилади.

...Шурчи туманидаги «Ялти» жамоа хужалиги идорасида ҳисобчи бўлиб ишлайдиган Мардон Йулдошев деган гурунпаз биродаримиз бор. Бир марта гурунгимиз ер, томорқа ҳақида кетди. Баъзи одамларнинг ҳақто бешкадаги неварасигага томорқа олиб қўйганликларни ҳам сўхбатимизга мавзу бўлди. Гап-

ОҚСОҚОЛ

гап билан сураб билдимки, Мардон-бойнинг ун беш сотих томорқаси ва турт угли бор экан. Угилларининг олди мактабга қатнайди, қолганлари унинг эртадан-кечгача обод қилиб ётишибди. Мардонбойга «ақл» бўлдим:

— Ха демай ерлар ҳам торашиб қолади, одам кунпаяверса, томорқа олиш ҳам кундан-кунга қийинлашиб бораверади. Гапингиз, илтмосингиз ерда қолмайди. Яна бирон ун беш сотих, аввали кунпроқ томорқа олиб қўйсангиз, угилларингиз каттарганда қийналмайси...

Мардон бугалтир «галларингиз ҳақ рост», деб фикримни маъқуллади. Сунгра бир ривоятни келтирди:

— Балки узоқ замондадир, балки яқин пайтлардадир — икки киши ер талашиб қолишибди. Бешоен адирликка чиқиб «бу ер сеники эмас, меники!» деб жанжални авжига чиқариб кетаверишибди. Катта бир қирга етганда икковларининг можароси яна авжига чиқибди: «Бу қир ҳам сеники эмас, меники, йўқ, сеники эмас, меники...» Шунда баногоҳ ердан садо чиқибди: «Можарони тухтагинлар! Мен сеники ҳам эмасман, сеники ҳам эмасман. Илло, икковнинг ҳам меники-санлар!» Сизнинг айтганингиз ҳам турри, одамлар ерни «була-бул» қилиб ётишибди. Лекин одам боласи узига ажратилганидан ортиқ ризққа эга бўлолмайди. Қўша-қўша томорқани олиб қўйиб, бир тийнишлик наф қурмаётганлар қанча. Ун беш сотих томорқани обод қилиб юра-верай-чи, қолгани бир гап бўлар-да.

Шу билан томорқа мавзудида гурунгимиз чуқур фалсафий тарзда у якуни тошди.

«Сурхон тонги» вилоят газетасининг Жўра Давлат деган кекса жамоатчи мухбири бор. Баъзан оғриган жойини билмай, танқидий мақолалар ёзиб, бошига кун гурбат-савдони олиб юради. Шу одам бир куни куюниб гапирди:

— Бизнинг Жарқургон туманидаги Алишер Навоий номили жамоа хужалигида ажаб-ажаб одамлар бор-да. Худонинг катта йулини ҳам уз томорқаларига қўшиб олишган. Масалан, хужалик худудиди пахта заводидан токи туман шифохонасининг 1-терапия бўлимигача бўлган турт километрлик йўлак — тротуарни одамлар кета-кетгунча томорқаларига бириктириб олишган. Йўлакнинг эни икки метрдан ошқроқ. Дастлаб улар уша ерга экин-тикин қилишди, сунгра эса авайлабгина қурилишлар қилиб ташлашди. Бирон бир нарса демаса, одамларнинг узлари «бу нима қилганимиз?» деб мушоҳада қилиб қуришмаса. Катталар бирон нарса дейишмаса...

Жўра Давлатнинг келтирган далиллари — бу бир мисол. Бунга ухшап мисоллар эса Сурхондарела қанчадан-қанчадир.

...Термиздан Узун туманига томон кетадиган катта йул буйи нигоҳингиздан четда қолмайди. Қурилишлар, томорқалар, дов-дараклар, гоҳ буш етган ҳовиллар... Бир сафар «Халқ сузи»нинг вилоят буйича мухбири Тожиддин Раззоқ билан кетаётганимизда шундоқ йул буйида — утган-кетганининг эътиборини тортмасдан қолмайдиган қўш қаватли, са-

лобатли, ҳаттоки ҳайбатли иморат, қа-атта томорқа тилимизга тушди. Иморатни пардоз-андоз қилиш, зийнатлаш ҳали поёнига етмаган эди. Лекин кўриниб турардики, жуда узоқни қузлаган ва бу ҳам етмагандек, қўли жуда узун одамнинг иши эди бу. Шунда мақташга, ҳавасланишга тушдик: «Одам қургандан кейин шундай иморат қуриб, умр утказса экан! Бундай уйда маза қилиб яшаса булади...» Чуқур қаялга ботиб кетётган Тожиддин Раззоқ хушёр тортиди. Гап, ҳавасланишимиз қаёққа бораётганини англағач, гурунгимизга фалсафий нуқта қўйди:

— Айтганларингизнинг ҳаммаси турри. Лекин биласизми, асосий гап нимада, тақсир? Бундай иморатни қургандан кейин улиш, жон таслим қилиш қийин, бунча салтанатдан кечиб оғир булади. Мени турри тушуниш: бунча дов-даскани ташлаб дунедан кетиш осон бўлмайди одамга... Қурпага қараб оек узатган маъқул. Одамларни қойил қиламан, деб катта иморатни бошлаб, уни тугатолмай кетганлар қанча...

Вилоятнинг Олтинсой туманидаги «Қўшқинор» жамоа хужалигига қарашли қишлоқларга Хушбоқ Ражабов деган йигит маҳалла оқсоқоли эди. Сағирликдан катта бўлиб, паст-баландни биладиган, одамларнинг қадрига етадиган, элининг устида юрган ақлли йигит сифатида уни бир неча йил аввал маҳаллага оқсоқол қилиб сайлашган эди. Одамни амал бериб, вазифага тайинлаб, ана ундан сунг синаш керак, деган гап турри

НАЗАРДАН

экан. Хужаликда ҳисобчи, звено бошлиги, бўлим бошқарувчиси каби вазифа-ларда ишлаб, маҳалла оқсоқолигига кутарилган Хушбоқ Ражабовнинг нафсига узи эмас, шайтон эғалик қилди. Ишни қишлоқ уртасидаги ҳовлисини кенгайтиришдан бошлади. Ҳовлисининг ёнидан елғизоқ йул утарди. Қишлоқ бино бўлгандан бери шу йўлдан одам каттарди. Ана шу елғизоқ йулини Хушбоқбой икки томондан бекитиб, узига тегишли қилиб олди. Бирон у деди, бирон бу деди, лекин у парво ҳам қилмади. Бу «ғалаба» унга қанот берди. Ҳовлисининг кунчиқар тарафида мактаб бор. Мактабга қарашли бўлган ердан бетон пойдевор ташлади. Муаллимлар эса утган-кетганда «Бу қанақаси, Хушбоқ Ражабов мактабнинг ерини тортиб оляпти», деб мингир-сингир қилишди-ю, лекин бирови қаттиқпеш келолмадилар. Иккинчи «ғалаба»дан кейин Хушбоқ Ражабовнинг ҳам «тажрибаси» ортди, ҳам оёғи ерда қаттиқ турадиган бўлди. Ҳовлисининг кунботар томонидаги масжидга қарашли бўлган ерни узига... томорқа қилиб олди. Ҳаммасига чидаган одамлар бунни қуриб қангу манг бўлиб қолдилар. Шунда қишлоқнинг иззатли қарияларидан бири, марҳум Насрулло махсум одамларга шундай деган эди:

— Мен дунеда қарийб туқсон йил яшаб, ҳақиқа қадар Худонинг катта йулини, масжидини узиники қилиб олган одамнинг барака топангани кўрганам йўқ. Сабр қилиб, ишнинг натижасини қураве-расизлар...

Хушбоқбойнинг эса на сабр-қаноат билан, ва на диёнат билан қақа пуллик иши бор эди. Масжид ҳисобига, йул, мактаб ҳисобига кенгайтган ҳовли-жойига қараб баҳри-дили очиларди. Сунгра у... қишлоқ клубига қарашли бўлган майдонни ҳам узининг фойдасига тораитирди. Қишлоқнинг одамлари кенг фёслли, сабрли булишди. Қишлоқ оқсоқолининг бу ишларидан кунгиллари ранжиган бўлса ҳам бетига асло айтмадилар. Фақат орқаваротдан гап-сўз қилишди, холос. Хушбоқнинг узи ишчи-роқ етмаган давра, гап-гаш-такларда баъзи ақлли одам-

Қишлоқ фалсафаси

лар айтишди: «Хушбоқбой-ку узи асли ёмон одам эмас. Лекин ота тарбиясини қурмаганилиги таъсир қилди-да, Булмасам, йулни, масжидга, мактабга, клубга тегишли ерни айлантириб ҳовлисига қўшиб олдимиди... Қишлоқнинг эғалида узига, онасига қарашли катта-катта томорқаси булса, бу қилганлари нимаси! Йигити тушмагур, эртани уйламайдиганларнинг хилидан экан-да...»

Алқисса, ерга ишқи тушган, раҳна-моликни ақл-идроқиға эмас, балки шайтонга қўш-қўлаб тоширган Хушбоқ Ражабов охири-оқибат элининг назаридан ҳам қўлиб ултурган экан. Яқинда маҳалла оқсоқолигига сайлов утказилди. Сайловга раҳбарлик қилганларнинг авзоийдан шу нарса сезилдики, улар Хушбоқ Ражабовни яна уз урнида қолдиришмоқчи. Икки-уч киши сузга чиқиб, яна Хушбоқ акани сайласак, у киши ишлаган пайтда ҳаммаёқ бустон-гулистон бўлиб кетди, қабилида пардоз-андоз қилди. Лекин бу гаплар халққа ҳечам ёқмади. Мажлис раиси: «Қани, Хушбоқ Ражабовични маҳалла оқсоқолигига сайлаймиз, деганлар қўл кутарсин» деганида турт-беш кишидан бошқа ҳамма жим эди. Уртада қўрошнингдек оғир сукунат ҳўкмрон бўлди. Шунда мажлисини олиб бораётган одам: «Еқлаб қўл кутармаганлар бу томонга утишсин», дея мурожаат қилди. Деярли ҳамма норози булганлар тарафига утиб кетди... Шунда... Хушбоқ Ражабовни, со-биқ маҳалла оқсоқолини совук, жудаям совук тер босди... Одамлар гапни бир ерга қўйиб, ишбилармон, халққа қайи-шадиган ва бунинг устига синалган киши — Ҳамид Эшқорасев деганни маҳалла оқсоқолигига бир овоздан сайлашди. Шундай қилиб, ерга, томорқага кир-су ҳавас қўйган Хушбоқ Ражабов элдан оладиган баҳосини олди-қўйди. Аллоҳдан оладиган ажр эса ҳали олдинда тур-ибди...

ҚОЛДИ

...Нафсу ҳаво, ер, томорқа... инсон учун балки рузи қиёматгача борадиган узундан-узун можародир, ҳавасдир. Лекин дунени сураган ва қўллари очик кетган Исқандар Зулқарнайини бир эсга олинг. Утган қанчадан-қанча шоҳларни, султонларни, жаҳонгирларни, моли-дунёсининг ҳисобидан алашган бойларни едга келтирдинг. Бир нафас тухтанг-да, чуқур мушоҳада, мулоҳазага имкон беринг. Инсон боласининг охири-оқибат эғалик қиладигани — икки қулоч, атиги икки қулоч ер, холос. Қолгани эса... ҳаттоки дунени сураб турган одам ҳам даъвогарлик қилолмайди.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти



ИРИМЛАРГА ИШОНИБ

Омск шаҳрида истиқомат қилувчи А. исмли жаноб деярли бир сутка ваннахонада утирди. Агар хотини сафардан қайтиб келиб қолмаганда, у яна қанча вақт тоғорада утирарди, худо биледи. Бу оила аъзолари ҳар турли ирим-сиримларга гоят ишонувчан. Эр ювиниб булгач, ваннадан чиқишда олдин унғ оёқни ерга қўйиш керакми ёки чапиними эканини унутиб қўяди. Шунинг учун у таваккал қилишни истамайди.

ҚУТУРҒАН ЭКАН

Америкалик машҳур ёзувчи, сарғузашт асарлар устаси Эдгар Аллен По қутуриш касалидан вафот этган экан. Нью-Йорк уни-верситетининг тиббиёт маркази профессори Майкл Бенитэз адиб-нинг касалик тарихини синчиқ-лаб урганиб, шундай хулосага келди. Эдгар Понинг Балтимордаги уй-музеини ходими Жеф Жером профессорнинг бу фикрида жон борлигини айтган.

ТОННАЛАБ ТАШИШМОҚДА

Утган йили Калининград вилояти божхоначиларининг «ови» барорилан келди. Улар вилоят, туғрироғи, Россия худудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган икки тонна ёқутни ушлаб қолди-ди. Лекин божхоначиларнинг ку-зини шамғалаб қилиб, турли йул-лар билан олиб чиқиб кетилаётган ёқутнинг миқдори бунданда кунпроқ.

БҮЙДОҚЛАР АРМИЯСИ

2000 йилга бориб Хитойда буйдоқ эркаклар сони 80 миллион кишига етар экан. Айни пайтда мамлакатда ҳар юзта қизга 118 нафар угил бола туғилапти. Бунинг асосий сабабларидан бири Хитойда угил боланинг насл давомчиси ҳисобланиши ва замонавий тиббий техника ёрдамида она қорнидаги ҳомиланинг қиз экани аниқланса, аёллар аборт қилдиришаётганидир.

СОВРИН ПЕТЕРБУРГЛИКЛАРДА КЕТДИ

АҚШда Санкт-Петербургдаги «Қизил Виборг» рангли металл заводига «Олтин Меркурий» соврини топширилди. Корхона «Таракқиёт йўлида ҳамкорлик» халқаро дастури қатнашчилари ичида энг яхшиси деб топилди. Завод маҳсулотларини Италия, Германия, Англия ҳамда барча Скандинавия мамлакатлари сотиб оляпти. Энг асосий буюртмачи эса АҚШнинг автогиганти ҳисобланмиш «Женерал Моторс» фирмасидир. ЖМ йилига 8 минг тонна турли-туман рангли металл сотиб олади.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ЮЗ ШАКЛИДАГИ ЮЗГА СОЧИ ТАШЛАБ ЮРИШ ТАВСИЯ ЭТИЛМАЙДИ. УЛАРГА КАЛТА ҚИРҚИЛГАН СОЧЛАР ҲАМ ЯРАШМАЙДИ. ЯХИСИ СОЧЛАР УЗУН БУЛИБ, ҚУЛОҚЛАРНИ ҚИСМАН БЕРКИТИБ ТУРИШИ КЕРАК.

Агар сочингизни юзингизга мос турмакласангиз, ўн ҳуснингизга яна бир ҳусн қўшилади.

Юз шакллари асосан қуйидагича бўлади: чўзинчоқ, пастга томон ингичкалашган, кенг, думалоқ ва юқорига ингичкалашган.



1. Чўзинчоқ шаклдаги юзга сочни елкага ташлаб юриш тавсия этилмайди. Уларга калта қирқилган сочлар ҳам ярашмайди. Яхиси сочлар узун булиб, қулоқларни қисман беркитиб туриши керак.

2. Пастга ингичкалашган юзга калта қирқилган соч мутлақо туғри келмайди. Сочлар уртача узунликда булиб, қулоқларни яшириб туриши зарур.



3. Юқорига ингичкалашган юз шаклида соч юзнинг юқори қисмини кенг қилиб курсатиши учун юзнинг қуйи қисми етарлича кенг булганлигидан хиёл орқага қилиб таралади.



4. Кенг ва думалоқ юзда сочлар калта қирқилган булиб, ён томондан орқага ташланган булади. Сочларнинг олди қисми олдинга бироз қайрилган булиб, қулоқлар беркитилмайди.



5. Ясси пешона. Орқага силлиқ қилиб таралган соч пешонани янада кенг қилиб курсатади. Пешонани тусиб турувчи соч тутамлари бу нуқсонни маълум даражада бартараф этади.



6. Дунг пешонада соч шакли пешона улчамларини катталаштирмаслиги зарур.



Шунинг учун соч тутамлари пешонага ён томондан тушиб туриши керак.

7. Тор пешоналиларга — сочларни орқага силлиқ қилиб тараш тавсия этилмайди. Сочни юқорига сунъий шишириб тараш, пешонани кенг қилиб курсатади.



Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

Табриклаймиз!

Мухтарам Холда МИРКАРИМОВА!

Қутлуг ёпингиз билан самимий қутлаймиз. Ёш авлодни тарбиялаш борасидаги жамоамиз эришадиган ютуқларда сизнинг муносиб улушингиз борлиги бизни қувонтиради.

Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб:
Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактаб педагогик жамоаси.



Хурматли дўстим Алишер РАВШАНОВ!

Сизни 1 март — таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга ҳамда оилангизга тинчлик ва омонлик тилаб,

**Алишқул,
Ғаллаорол тумани.**

Азиз, меҳрибон устоз Аамира опа АМИНОВА!

Сизни баҳор байрамингиз ҳамда 5 март — таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Оллоҳдан сизга узоқ умр, бахт-саодат, орзуларингиз ушалишини сураб қоламан.

Мирзо Улугбек тумани ижтимоий таъминот бўлимидаги сермашаққат, лекин хайрли ишларингизда улкан зафарлар тилаб қоламан.

**Гавсия Собирова,
Яккасарой тумани.**

Биз учун қадрли Мидхат МУХАМАТУЛЛИН!

Сизни таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Соғлиқ, хотиржамлик, оилавий бахт тилаб,

**Рафиқангиз ҳамда фарзандларингиз.
Хонобод.**



Азиз ва меҳрибон онажонимиз Басбуви ая!

Сизни баҳорий қувончлар бирла 1 март кунини 66 ёшга тулишингиз билан самимий табриклаймиз. Соғу саломат булиб, болажонларингиз ётида шоду хуррам юринг, деб фарзандларингиз:

**Абдусамат, Абдурахмон, Баҳодир, Гулнора, Қахрамон,
Душевлар оиласи.**

Ховос шахри, Исломобод кўча, 95-уй.



Онажон!

Қутлуг ёпингиз муборак. Бахтимизга омон булинг, меҳрибонимиз.

**Қизларингиз Дилрабо, Шахноза. Турмуш
ўртоғингиз Нишонбой.**

Ёднома

Азиз отажонимиз Меҳлибой АКАЕВ! Рухингиз шод, охиратингиз обод бўлсин!



ОТАЖОН!

Сиз бошимиздаги давлатимиз, кузларимизнинг нури эдингиз. Сизла ҳар вақт кунгилларимиз обод, хонадонимиз чарогон эди. Уйимиз турининг кўрки, савлати эдингиз!

Мана, бугун сиз туғилган кун. Едимда, болалигимизда биз бу кунни интизорлик билан кутардик, шоду хуррамлик билан нишонлардик. Бугун сиз йўқсиз. Лекин биз учун барибир бу кун муқаддасдир.

Ҳаёт қанчалик ширин бўлмасин, шунчалар беаёв ҳам экан... Агар ҳаёт булганингизда бугун 46 ёшни қаршилаган булардингиз. Отажон сиз биз учун ҳамиша барҳаётсиз. Хотиранингиз ҳар доим қалбимизда.

Сизнинг юртимиз равнақи йулида курсатган хизматларингиз ардоқли. Сиздан файзли оила, биридан ширин, баркамол фарзандлар қолди. Биз — сизнинг давомчиларингиз ёрқин хотиранингиз пойида ҳамиша таъзимдаимиз.

Қизингиз Нодира, набирангиз Моҳиғул Комилзода ва оила аъзоларингиз.

**Яна баҳор келди, сени эслатиб,
Илак бодом гуллоса бўлар эдинг шод.
Бақо ҳобгоҳидин ногоҳ уйғотиб,
Қабрингда бойчечак гуллабди — ҳайҳот:**

**Сўқир тортиб қолгон кўнгул кўзлари,
Миттигина шул гул, чечак-ча бўлмас.
Лошинга фанонинг чирмашгонлари,
Рухинга чирмашгон печакча бўлмас.**

**Эзгу қалблар аро мангу
тирик бўлиб қолгувчи мар-
ҳума
ДИЛБАРБЕГИМ ЙЎЛЧИ
қизи!**

Агар ҳаёт булганларида 50 ёшга тулардилар. Афёуски, ҳаётдан эрта кетдилар. У кишининг эди ҳамиша бизнинг қалбимизда. Илоҳ Оллоҳ у кишини раҳматига олган булиб, жойларини жаннатда қилсин. Рухини шод, охиратини обод этсин.

**Ёд этгувчи ёстиқдошингиз Турсун МУҲАММАД.
Зурриёдлари: Гулвафо, Жондил, Нарғиза, Камола,
Беруний.**



ҲАЛОКАТТА ЗИЛЗИЛА САБАБМИ?

Чернобил АЭСида ҳалокат юз берганига ун йилдан кўпроқ вақт бўлди. Унинг қурбонлари сони 130 мингдан ошди. Бу рақам кун сайин ортиб бораверади... Лекин мана шунча вақт ўтибдики, Чернобил атом электр станциясида 1986 йилда юз берган мудҳиш фалокатнинг сабаблари туғрисида бир қанча таҳминлар уртага ташланган бўлса-да, улар ҳали ўз исботини тула тополмаяпти. Яқинда фалокатнинг юз бериш сабаби туғрисида яна бир таҳмин айтилди.

Чернобил ҳалокати сабабларини урганиш буйича тадқиқотларда ер қимирлаш факторига шу вақтгача эътибор билан қаралмай келинган эди, Германия телевидениеси намойиш қиладиган «Репорт» публицистик курсатувида Россия ва Украинада беш олимнинг Чернобил АЭСида юз берган авария сабабларини урганишда айтиш шу факторга ёндошиб олиб борган тадқиқотларининг натижалари эълон қилинди. Унга қўра АЭСда портлаш содир бўли-

шидан 20 секунд илгари бу минтақада кучи 2,6 баллгача стабилган 2 та ер силкиниши бўлиб ўтган. Мана шу силкиниш инсоният тарихида юз берган энг йирик авариялардан бирига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Олимларнинг тасдиқлашича, ер ости силкиниши ва ундан сўнг юз берган ядро ҳалокати ўртасида узаро боғлиқлик бор. Ер пустининг вибрациясида тула ҳимоя қилинмаган ядро реактори сейсмик жараёнинг таъсирига тушган ва бу эса ўз навбатида технология жараёнининг кучли бузилишига олиб келган. Натижада АЭСда портлаш содир бўлган.

«Репорт» курсатувида Чернобилдан 150-200 км радиусда жойлашган 3 та Совет ҳарбий кузатиш станциялари томонидан олинган сейсмограммалар намойиш қилинди. Ундан маълум бўлишича, фалокатта сабаб бўлган ер ости силкинишларининг эпицентри Чернобил АЭСидан бор-йўғи 10 км узоқликда бўлган.

Совет даврида ер силкинишлари ҳақидаги маълумотлар давлат сири саналарди. Курсатув бошловчисининг айтишича, шу сабабли ушбу сейсмограммалар СССР қўлагандан сўнг Алматидagi ҳарбий архивга тошширилган. 1994 йилнинг охирида архив ходимларидан бири уни тасодифан қўлга киритган...

Россиялик ва украинлик олимларининг тадқиқотлари танишиб чиқиш учун таниқли немис сейсмологи Манфред Хенгерга курсатилди. У эса олимларнинг изланиш натижалари ҳақиқатта жуда яқин эканини тасдиқлади. Ўз навбатида Дармштатдаги экология институти ходимлари ҳам олимларнинг тадқиқотлари натижаларини юксак баҳолаб, шуни таъкидлашдики, ҳатто унча кучли бўлмаган зилзила ҳам ядро реакторининг ишига салбий таъсир курсата олади. Бунга Чернобил АЭСи ҳалокати ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Анвар КАРИМОВ тайёрлади

СўНГГИ УСТУН

ЭРКАК БЎЛИШ ОСОНМАС

Австралия, Африка, Америка қитъаларидаги айрим қабидаларда ўғил болалар балоғат ёшига етгач, улардан эркаклар сафига кириши учун имтиҳон олинади, синовлар ўтказилади. Ана шу имтиҳонлардан «йиқилганлар»нинг аҳволи эса аксарият ҳолларда аянчли бўлади. Уларни қабиладошлари менсимайди, мазах қилишади, хўрлашади.

Америка ҳиндуларининг айрим қабидаларида эркаклик синовига дош беролмаганлар умр бўйи аёлларнинг қийимини кийиб юриши, аёллар бажарадиган ишларнигина қилиши, аёллар даврасида ўтириши шарт бўлган. У бечораларнинг ҳатто уйланиши ҳам мумкин бўлмаган.

Австралидаги ерли халқларнинг баъзиларида эса имтиҳондан ўтолмаганлар қариб букчайгунича ёш бола ҳисобланган, қабиладошлари унга худди ёш бола сингари муносабатда бўлишган. У болалар билан уйнаши шарт бўлиб, унга кийим кийиши, тақинчоқлар тақиб ман этилган.

Африканинг гарбий қисмидаги айрим қабидаларда ўғил болалар балоғат ёшига яқинлашгач, уларни камолотга етказадиган, тарбиялайдиган, эркаклик синовига тайёрлайдиган махсус «дорилфунун»лар бор. У ерда усмирларга эркак киши билиши, бажара олиши шарт бўлган барча нарсалар, ҳунарлар, турли қийин ва ҳавфли вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари батафсил ўргатилади. Уларнинг ҳар бир қалами қаттиққўл устозлар назорати остида бўлади. «Дорилфунун»ни муваффақиятли битириб, «диплом» олган йигитлар қишлоқларига зўр тантана билан қайтиб келадилар. Урмондан ногора овози эшитилиши уларнинг келатганидан дарак беради. Эркаклар сафига қабул қилинган йигитлар шарафига бошланган бу тантана сахаргача давом этади.

Австралининг камиларой қабиласида йигитни эркаклар сафига қабул қилиш учун қуйидагича имтиҳон ўтказилади. Олдин унинг битта тишини қоқиб олишади. Тиш қишлоқ кучаларидан олиб ўтилади. Бу синов бошланганидан дарак беради. Шундан сўнг йигит бир йил давомида қишлоқдан четда — ҳилватда яшаб, устозлардан кўп нарсаларни ўрганади. Йил якунида эса «олов маросими» ўтказилади. Бунда йигит тулганнинг лаҳча бўлиб турган чўғларини яланг оёқ топгани шарт. Шундагина у имтиҳондан ўтган ҳисобланади.

УРМОН ХУЖАЙИНИ



Йулбарс йиртқич ҳайвонлар оламида узининг чаққонлиги, сезгирлиги ва кучлилиги билан ажралиб туради.

Уни тропик мамлакатлар урмонзорларида, жумладан, Ҳиндистонда, Жанубий-Шарқий Осиёда ҳамда Узоқ-Шарқда учратиш мумкин. Ўзбекистонда фақат Афғонистондан дарё орқали сузиб ўтганлари Амударё этакларида аҳен-аҳенда куришиб туради. Лекин бундан қарийб 90 йиллар муқаддам йулбарслар Сирдарёнинг Чиноз атрофидаги туқайзорларида ва Чирчиқ дарёсининг қуйи оқимида кўпила яшаган. Улар орасида турон йулбарси, деб номлангани узининг ҳулқ-атвори билан хорижий мамлакатларда яшовчи қаринош-уруғларидан кескин фарқ қилган. Чунки у ҳеч қачон одамга биринчи бўлиб ҳужум қилмаган. Фақат овчилар томонидан яраланганда ва уни тутиш учун изига тушгандагина ҳужум қилган.

Онажоним табиат

— Бундан эллик йиллар олдин, — деб суз бошлади Мурод бобо, — отам билан биргаликда Амударёда қайиққа ўтириб нариги соҳилдаги қалин қамишзорга қараб сузиб борардик. Сувнинг оқими ниҳоятда кучлилиги сабабли қайиқни анча жойгача оқизиб кетди. Бир амаллаб мулкаланган жойгача сузиб бордик. Аммо кутилмаганда ун метрча нарида баланд устан қамишлар соясида катта, қўрқинчли, баҳайбат йулбарс фақат думининг учинигина ликиллатиб, ярим очик яшил кузлари билан биз томон қараб ётар эди. Мен қўрққанымдан даг-даг титраб, бу ҳавфли жойдан иложи борича тезроқ қайтайлик, деган маънода отамни туртаман. Отам эса ёшлик чоғларида бу жойларда бир неча бор йулбарс билан юзма-юз келганлиги сабабли парво ҳам қилмасдан менга маъноли қараб, қўрқма, деб қайиқни орқага бурди.

Йулбарс ўз улжасини қурганда ер бағирлаб, сездирмасдан келиб, кейин бирдан 6-7 метрдан туриб узини отади. Узига улжа қилиб олган ёввойи чўчка, кийикни бемаъл 150-200 метр масофагача кутариб кетаверади. Пайти келиб қолса дарёнинг бир қирғоғидан иккичи қирғоғига смага билан ҳеч қийналмасдан сузиб ўтаверади. У ўз улжасини бир неча чақирим жойгача судраб олиб кетиш қудратига эга. Йулбарс қорни туйғач қаттиқ ва узоқ уйқуга кетади. Баъзан бир кеча-кундуздан ортиқ уқлайди. Ургочиси март-апрел ойида турт-бештадан бола туғади.

Болалари мушқудай бўлиб жуда тез катта бўлади. Икки йилгача онасидан ажралмайди. Кўпгина ҳолларда онаси овқат топиб беради. Уч ёшга тулганда мустақил ҳаёт кечирингача ўтади.

Йулбарс жуда ноёб ҳайвон бўлгани учун овлаш қатъиян ман қилинади.

Асқар ХОЛМУМИНОВ табиатшунос олим

Саргузашт

ов қилади. Буларнинг ичида энг даҳшатлиси сарғиш-қум рангидаги шоҳли илондир. Унинг заҳари ниҳоятда уткир, чаққан заҳотиёқ одамни улдиради. Яна қисқичларга ёпишдик. Шу қуйи тун бўйи жирканч маҳдўқлар билан олишиб чиқдик. Фақат тонг отарга яқин тинчиб, сал кузимиз илинди. Эрталаб туриб қурпаларимизни қоққанимизда ичидан бир неча илон тушди. Худо бизни бир асрабди. Чаққанида борми...

Афсуски, кўнгилсизликларимиз шу билан тугамаган экан. Тунда кийимларимни енимга тахлаб қуйган эдим. Эрталаб киймоқчи бўлиб қўлимга олсам, илматешик бўлиб етибди, кийишга умуман ярамайди. Лаянати термит (чумолининг бир тури)лар шундай қилибди».

ТУНГИ «ОЛИШУВ»

Африкага ташриф буюрадиган сайёҳларни ҳар доим турли-туман кўнгилсизликлар, саргузаштлар кўтиб туради. Ана шундай сайёҳлардан бири қуйидагича ҳикоя қилган: «Манзилимиз узоқ бўлгани учун саваннада тунаб қолишимизга тўғри келди. Ут-улан камроқ, қумли жойни ташлаб гулхан едик. Бир пайт оёқлари билан биргаликдаги катталиги қафтдек келадиган ургимчак ва иккита чаён пайдо бўлди. Сўнг улар купая борди. Биз жонҳолатда қисқичларга ёпишиб, ҳашаротларни оловга иргита бошладик. Уларнинг эса кети қуринмасди. Шу алфозда алламаҳалгача овора бўлдик. Тун ярмидан оққанда бу лаънати маҳдўқлар қамайди ва сал енгил нафас олдик. Бирок эрта хурсанд бўлган эканмиз. Бир пайт заҳарли илонлар «ташриф буюриб» қолишди. Кундузи бу илонлар кўмга кумлиб ётади, тунда эса овқат излаб

Муассисларимиз:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-КИЗЛАР КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси: Ўзбекистон «Матбуот шарқлаштириш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИПИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 33-28-20, 36-56-52, 34-86-91
Даврон БЕК навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-099 23837 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.